

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ  
ШАҲАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ

Шарапов Саидусмон Саидахмадович

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15620199>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг жануби-шарқий ҳудуди шаҳарларининг Россия босқини туфайли уларнинг амирликдаги аҳамияти хусусида шунингдек, уларнинг бошқарув шакли ва хусусиятлари хусусияти тўғрисида маълумотлар келтирилади. Шаҳарларнинг гузарлари ва уларнинг бошқарув тизими ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Бухоро амирлиги, бекликлар, гузарлар, оқсоқоллар, Бойсун, Балжувон, Дарвоз, Деҳнав, Яккабоғ, Қабодиён, Қоратегин, Карки, Кармина, Қарши, Келиф, Китоб, Кўлоб.

Россия босқини ўзининг мустамлакачилик сиёсатида биринчи масала иқтисодий манфаатлар ётган бўлсада, руслар маҳаллий аҳолини ўз таъсирига туширишда ва аҳолидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун бир қанча муаммоларга дуч келади бу масалаларни ҳал қилиш учун кўчирувчилик сиёсатидан ҳам фойдаланади. Натижада бир қанча янги рус аҳолиси турар жойлари пайдо бўлди. Улардан ҳам сиёсий ҳам иқтисодий ва маданий мақсадлар кўзланган эди. Шаҳарларга аҳолининг кўчиб келиши ва жойлашувига оид маълумотларни илмий ўрганиш жараёнида қуйидаги маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, мавзуга тааллуқли таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси фондидаги ҳужжатларда Бухоро амирлиги, шунингдек, воҳанинг ижтимоий-сиёсий тарихига оид кўрсатма ва расмий хабарлар мавжуд бўлиб ушбу жилдлардан маълумотлар олинди. Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор ҳамда Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги фондларида Сурхон воҳаси тарихига тегишли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқаларига доир кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан ҳам мавзуга оид зарур маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган Бухоро амирлиги кушбегисининг архиви фонди ҳужжатларида воҳада XIX-XX аср бошларида кечган тарихий жараёнлар, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва савдо соҳаларида рўй берган ижобий ва салбий ўзгаришлар ўз аксини топган. Юқорида номлари кўрсатилган архив фондларидаги ҳужжатларда воҳа тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятидаги маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилди ва таҳлил қилинди.

А.Р.Муҳаммаджоновнинг таҳрири остида нашр этилган «Населенные пункты Бухарского эмирата» номли китобида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Бухоро амири қўшбеги девонхонаси жамгармаси ҳужжатлари асосида Бухоро амирлигидаги географик жой номлари рўйхати берилган.

Ушбу асарда воҳанинг маъмурий тузилмалари, мавзе ва қишлоқларнинг номлари келтирилган.

Шунингдек, мақолани ёзишда маҳаллий ёзма манбалар, жумладан: Мирза Абдул Азим Сомийнинг “Манғитлар салтанати тарихи”, Мирзо Салимбекнинг “Тарихи Салимий”, Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеъий” номли асарларидан ҳам тарихий манба сифатида фойдаланилди. Мирзо Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасида кечган тарихий воқеаларни ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади, асарда муаллиф ўзи қатнашган воқеаларни баён этган. Унда Шеробод беклиги ва кўшни худудларнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётига доир маълумотлар берилган.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеъий” номли асари Бухоро амирлигининг XIX-XX аср бошларидаги сиёсий тарихини ёритиб берувчи манбалардан ҳисобланади. Асарда Денов, Бойсун, Сарижўй, Сариосиё ва Шеробод шаҳарларидаги сиёсий вазиятлар ҳақида муҳим маълумотларни кўришимиз мумкин. Рус тилида битилган ёзма манбалар мажмуасига бевосита ўша даврда яшаб, ҳарбий ҳаракатлар ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ҳарбий амалдорлар, рус олимлари ва тарихчилари томонидан яратилган тарихий асарлар, хотиралар, расмий хабарлар ва ҳисоботларни киритиш мумкин. Улар бевосита ўша давр воқеалари гувоҳлари ва тарихий жараёнлар иштирокчилари томонидан ёзиб қолдирилганлиги билан муҳим ҳисобланади. Россия мустамлакачилиги даврида чоп этилган адабиётларда асосан XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, Бухоро-Россия муносабатлари, амирликнинг империя вассалига айлантирилиши билан боғлиқ сиёсий масалалар баён этилган.

Россия империяси Бухоро амирлигини ўзига вассал қилиб олганидан сўнг бу худудларга кўплаб Европалик тадқиқотчилар келиб, турли жабҳаларда тадқиқотлар олиб бордилар. А.Бёрнс, А.Вамбери, Н.Маев, П.П.Шубинский, А.Губаревич-Радобильский, Р.Б.Рожевица, Д.И.Логофет, А.Г.Ананьев ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Рус муаллифлари асарларининг деярли барчаси Россия империясининг ўша даврдаги сиёсий, мустамлакачилик манфаатларига мос руҳда ёзилган бўлиб, уларда империянинг босқинчилик сиёсати “цивилизациялаштирувчилар миссияси” сифатида оқлаб кўрсатилган. Мазкур асарларда воқелик чуқур таҳлил қилинмасдан, масалага фақат бир томонлама, яъни Россия империяси манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилган. Маҳаллий халқлар манфаатларини ҳисобга олмаслик, Россия мустамлакачилиги ва зўравонлик сиёсатини хаспўшлаб кўрсатиш мустамлака даври муаллифларига хос хусусият ҳисобланади.

Юқорида номлари келтирилган адабиётлардаги агрессив, шовинистик кайфиятларга қарамасдан, уларда мавжуд айрим маълумотлар воҳанинг тарихий-географик манзарасини ёритишда бирламчи манба сифатида аҳамиятлидир. Ўрганилаётган даврда А.Губаревич-Радобильский, Р.Ю.Рожевица, Н.Маевлар Сурхон воҳасида бўлиб, кўплаб тадқиқотлар олиб боришган.

Уларнинг асарларида воҳанинг иқтисодий салоҳияти ва кўшни давлатлар билан олиб борган савдо алоқалари ҳамда воҳа шаҳарларининг Бухоро амирлигида тутган ўрни,

амирликнинг маъмурий-сиёсий бўлиниши, шунингдек. воҳанинг тарихий географияси, иқлими ва қишлоқ хўжалиги ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Д.И.Логофет ўз асарларида Бухоро амирлигининг ижтимоий иқтисодий ҳолати ва маъмурий-худудий тузилиши, амирликнинг Россия империяси вассалига айлантирилиши ва унинг оқибатларига тўхталиб ўтган.

Шу билан бирга, Сурхон воҳасининг этник таркиби, шаҳар ва қишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол таҳлил қилинган. А.Г.Ананьевнинг асарларида эса XIX аср охири-XX аср бошларида Шеробод воҳасидаги қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг суғорилиш тарихи, бунга сарф этилган харажатлар, воҳа жанубида Шеробод акциядорлик жамиятининг тузилиши ва унинг фаолиятига оид маълумотлар ўз аксини топган. Воҳанинг мустамлакачилик даври тарихини ўрганишда Л.Н.Соболев, Э.Реклю, М.В.Грулев, В.П.Семёнов-Тянь-Шанскийларнинг тадқиқотлари ҳам муҳим ҳисобланиб, уларда Амударё сув йўлининг аҳамияти, унда рус пароходларининг қатнови йўлга қўйилганлиги ва унинг воҳа иқтисодига кўрсатган ижобий таъсири, Бухоро ҳарбий қўшинларининг воҳада жойлаштирилиш тартиби каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

Бундан ташқари, тадқиқот даврий чегараси доирасида империя даврида чоп этилган “Туркестанский сборник”, “Туркестанские ведомости” ҳамда “Туркестанский курьер” каби нашрлар ва турли географик-топографик, статистик тўпламлардаги маълумотлардан ҳам манба сифатида фойдаланилди. Уларда Сурхон воҳасининг географик ўрни, тарихий топографияси, турли йиллардаги статистик маълумотлар ва шу билан бирга, воҳа худуди орқали ўтувчи ички ва ташқи савдо йўллари, қўшни худудлар билан олиб борилган ўзаро иқтисодий алоқалар, қишлоқ хўжалиги, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, жойлашуви ва этник таркиби, худуднинг стратегик аҳамияти ва бошқа масалалар тадқиқ этилган.

Қашқадарё воҳасида 1868 йилда Амударё бўйи текисликлари қирғоқларида қўнғиротлар уруғи истиқомат қилиб, улар амирнинг ўғли катта Тўра тарафида бўлиб, кейинчалик бу худудларга яъни Амударё Кўҳитанг тоғининг шимолий-ғарбий худудларида туркманлар ҳам истиқомат қилган. Шунингдек, туркманларнинг “нон талаб” уруғи ушбу худудларга келиб жойлашган. Туркманларнинг яна асосий бир қисми Шеробод беклигига қарашли Амударё қирғоқларига келиб жойлашиб, ўтроқ ва ярим ўтроқ туркманларга айланди.

XX аср бошларида Қашқадарё вилояти аҳолисининг асосий қисми Қарши, Бешкент, Косон, Ғузор, Чироқчи Китоб шаҳарлари ва йирик қишлоқлар атрофида яшаган бўлиб, асосан ўзбекларнинг манғит, сарой, қавчин, қутчи, қипчоқ, хитой, қирк, қатағон, миришкор, юз, кенагас, турк, қалмоқ, қанғли, гуют, қиёт, қўнғирот, мажор, манғит, мўлтон, мўғул ҳамда паймоқ, уруғларини ташкил этган.

1920 йилги тарихий манбаларга асосланиб, Бухоро амирлигида солиқлар сиёсати ниҳоят даражада ноқонуний, халқ оммасини талон-тарож қилишдан иборат бўлиб, солиқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди. Масалан, амлоқдор ерлардан 50 фоиз, вақф ерлардан 24,8 фоиз, мулки хирож 15 фоиз, мулки хур 10,12 фоизга кўпайиб кетди. Ҳатто Бухоро амирлиги давридаги жанубий-шарқий шаҳарларда солиқ сиёсатида ўта қаттиқ талончилик сиёсати орқали халқ оммасини оғир аҳволга солиб қўйганлиги тўғрисидаги

маълумотлар мавжуд. Денов, Шеробод, Бойсун, Ғузор ҳамда Китоб шаҳарларида амлоқдорлик ерларидан 55,8, вақф ерларидан 24,2 мулки ҳур ерларидан 1,6 ва амир ерларидан 12,1 фоиз миқдорда ортиқча солиқлар олинган. Бу эса маҳаллий аҳолининг жиддий норозилигига ва халқ ҳаракатларига сабабчи бўлган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва тарихий манбаларга асосланган ҳолда 1924 йилга келиб, Бухоро амирлиги ҳудудида ташкил топган Бухоро Республикаси аҳолисининг сони, миллий таркиби, жойлашиши бўйича қуйидаги тарихий манбаларга эътибор берилса, шаҳарларда аҳолининг ижтимоий, миллий таркибини аниқлаш имкониятига эга бўламиз. 1924 йил Бухоро Халқ Совет Республикасида 1531015 нафар аҳоли истиқомат қилганлиги аниқланди.

Бухоро аҳолисининг шаҳарлар бўйича жойлашишини таҳлил этсак, қуйидаги маълумотга эга бўламиз. Бухоро амирлигининг жанубий шарқий шаҳарларида Ғузор шаҳри чорва моллари билан савдо қиладиган шаҳар сифатида машҳур эди. Шаҳарга Сурхон воҳасидан Бухоро, Самарқанддан ва бошқа қўшни ҳудудлардан чорва моллари олиб келинар эди. Манбаларнинг қайд этишича, Кўлоб-Бойсун-Ғузор савдо йўлида бутун ёз давомида жун, зиғир, кунжут, буғдой-шунингдек, ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом ашёлар ортилган қарвонлар ҳаракати мунтазам давом этган. Бухоро амирлигининг жанубий-шарқий шаҳарлари машҳур рус сайёҳи Н.Маевнинг қайд этишича, асосий савдо сотиқ маркази сифатида муҳим ўрин ўйнайди. Ушбу ҳудудда бутун Бухоро хонлигида уч хил пул: тилло, қумуш танга ва мис пул муомалада бўлган. Бир тиллонинг қиймати 21 танга, бир танга эса 44 мис пулга тенг бўлган. Бу даврдаги шаҳарларда савдо ҳажмининг ташкил этган маҳсулотлар четга чиқарилган ёки четдан келтирилган. Маҳсулот (товар) лар миқдорини аниқлаш анча қийин чунки бу ерда қонунлар амалда қўлланилмайди.

Савдо-сотиқ билан шуғулландиган кишилар асосан икки тоифага: савдогар яъни йирик савдо билан шуғулланадиганлар, халқаро савдо алоқаларида иштирок этадиган кишиларга ва дўкандорлар улар асосан маҳаллий маҳсулот билан савдо қиладиган кишиларга бўлинган. Савдо алоқаларида даллолларнинг ўрни ҳам катта бўлган. Масалан, этнограф олим О.А.Сухареванинг таъкидлашича, бош даллол чорва моллари билан савдо қиладиган бозорни доимо ўз назорати остида сақлаган. Давлат эса қарвон йўлларини қўриқлаш, шаҳарларда қарвонсаройлар, сардобалар қуриш, бозорларни кенгайтириш ва умуман савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлган иншоотларни қуришни ўз зиммасига олган. Бундан ташқари савдо-сотиқнинг ривожидан бевосита манфаатдор бўлган катта бойлар, савдогарлар, амалдорлар ҳам бундай иншоотларни қуришга ўз маблағларини сарфлаган.

Шунингдек, Бойсун дарё воҳасида қўнғиротларнинг 3125 аҳолиси Сурхондарё ҳавзаси бўйларида 9325, Амударё воҳаси Термиз яқинида 3125 та, Ғузор дарё воҳаси юқори қисмида 8875 та, Ғузор дарё воҳасининг қуйи қисмида 4170 та, Шеробод дарёси сув ҳавзаси яқинида 18,385 минг қўнғирот аҳолиси истиқомат қилганлиги манбаларда ўз аксини топган.

Бухоро амирлигининг жанубий-шарқий шаҳарлари аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар ва тожик аҳолисини ташкил этиб, уларнинг урф-одатлари, эътиқодлари умумий ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, баъзи шаҳарларда аҳолининг кўпчилигини ўзбеклар ва тожиклар ташкил этганлигини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Шеробод

шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳолисининг 18,7 фоизини тожиклар, Бойсунда 47 фоиз, Сариосиёнинг Юрчи шаҳрида 64 фоизини тожиклар ташкил этади.

Ўзбекларнинг жойлашиши масаласида жанубий шаҳарлар қуйидаги ҳолатда изоҳланган эди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг ғарбий ҳудудларида ўзбеклар-83,079 кишини (64 фоиз), шарқда яъни Кулоб вилоятида ўзбеклар-28,540 (21,9 фоиз), Шеробод уездининг қишлоқ аҳолиси ўртасида ўзбеклар-73,5 фоиз, шимолда, Юрчида-60 фоиз, Қўрғонтепа вилояти жанубида-58,4 фоиз, Душанбе шаҳри шимолида-34,3 фоиз, Кўлоб вилояти жанубида ва Кўлоб туманида 42,1 фоизни ўзбеклар ташкил этган эди.

## REFERENCES

1. Шарапов, С. С. (2024). Административная Деление И Торговые Отношение Юго-Восточных Городов Бухарского Эмирата В Конце XIX-Начале XX Века. *Интернационал Жоурнал оф Формал Едусатион*, 3(3), 54-59.
2. Шарапов, С. С. (2024). Административная Деление И Торговые Отношение Юго-Восточных Городов Бухарского Эмирата В Конце XVIII-Начале XX Века. *Интернационал Жоурнал оф Формал Едусатион*, 3(3), 54-59.
3. Шарапов, С. С. (2024). Административная Деление И Торговые Отношение Юго-Восточных Городов Бухарского Эмирата В Конце XVIII-Начале XX Века. *Интернационал Жоурнал оф Формал Едусатион*, 3(3), 54-59.
4. Шаропов, С. С. (2023). БУХОРО АМИРЛИГИ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҲУДУДИ ШАҲАРЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.
5. Саидулмон. Ш. С. (2023). БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ХУДУДЛАРИ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ. *Ссиентифис Импульс*, 1(12), 239-245.
6. Н.А.Маев. Бухоро хонлиги очерклари, Т.: «Фан ва технология», 2012,65- бет.
7. Кун А.Л. Очерки Шагрисебзского бекства. - Санкт-Петербург: тип. В. Безобразова, 1880. – стр-33.
8. Населенные пункты Бухарского эмирата // Ответственный редактор – академик АН Р  
Уз  
А.Р. Мухамеджанов – Ташкент: Университет, 2001. Стр. -12
9. А.Ю.Якубовский.Феодальное общества Средней Азии и его торговля с Восточной Европой.X-XV вв. Материалы по истории Узбекской,Таджикской ССР.Л.1953 год.стр.5
10. Населенные пункты Бухарского эмирата. Конец XIX- нач. XX вв. //Материалы к исторической географии Средней Азии. - Ташкент: Университет. 2001. Стр. 4
11. Б.Карп краткий очерк производственных отношений в сельском хозяйстве Таджикистана. Сборник «Материалы к вопросу о земельных отношениях в Таджикистане. Душанбе-Ташкент. 1930, стр, 19.
12. Хакимова К.З. Крестьянское двезения в Бухарском ханстве в последней терети XIX века (по материалом архива кушбеги эмира Бухарского)-Т.,1964 г. Территория и население Бухары и Хорезма. Стр-144.

13. Ў.Мавлонов. Қашқадарё воҳасининг сўнги ва ўрта асрлардаги савдо ва маданий алоқалари. Иқтисод ва ҳисобот журнали. № 10-сон, 1993 йил, 44 б.
14. Ў.Мавлонов. Қашқадарё воҳасининг сўнги ва ўрта асрлардаги савдо ва мадаий алоқалари. Иқтисод ва ҳисобот журнали. № 10-сон, 1993 йил, 50 б.
15. Территория и население Бухары и Хорезма. Стр-187-189.
16. Кармишева Б. Очерки этнической истории южных районов. Таджикистана и Узбекистана 1976. Стр-39.